XALQ DEPUTATLARI ARNASOY TUMANI KENGASHI
QARORI

2022 - yil 30 - dekabr VI-44-225-3-43-K/22 Arnasoy tuman hokimligi

Арнасой туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 27, 99-моддалари ҳамда Жиззах вилоят Молия бош бошқармасининг 2022 йил 30 декабрдаги 01-20-08-01-33/162-сонли хатига асосан 2023 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 27, 99-моддалари ҳамда Жиззах вилоят Молия бош бошқармасининг 2022 йил 30 декабрдаги 01-20-08-01-33/162-сонли хатига мувофиқ Арнасой туман маҳаллий бюджетининг даромадлари 30 757,3 млн.сўм, харажатлари 87 729,1 млн.сўм миқдорда 1-иловага мувофиқ республика бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган трансфертлар 56 971,8 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2023 йил учун туманнинг даромадлар прогноз режа кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2023 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари тўлиқ туман маҳаллий бюджетида

қолдирилади:

-жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

-жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

-жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

-якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

-юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

-сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

-айланмадан олинадиган солиқ;

-жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари)

-давлат мулки бўйича ижара тўловлари;

б) Вилоят ва туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

-юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

-юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

-электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

-бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

-қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

в) Вилоят бюджетига қуйидагилар тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

-қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

-қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

-айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

-қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш йиғими ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

-қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

-давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

-мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2022 йилнинг
1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ;

-фойда солиғи (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари)

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада ошириш учун 2023 йилда ҳам қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкасидан келиб чиқиб туман кесимида Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача миқдорда камайтирувчи ва оширувчи

коэффициентлар 7-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,5 дан 2,0 гача миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Ушбу қарорнинг 4-иловасига мувофиқ туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари маълумот учун қабул қилинсин ҳамда республика бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ўтказиладиган тартибга солувчи трансфертлар миқдори тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар ва туманлар бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

6. Туманнинг туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Туманнинг туман бюджетидан 2023 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ захира жамғармалари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2023 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 809,2 млн.сўм миқдорида тасдиқлансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармалари маблағларини туман бюджет параметрларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

8. Туман ҳокимлиги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш

лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га маҳаллий бюджетининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6 миллиард сўм маблағ режалаштирилишини таъминласин.

9. 2023 йил учун туман бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар молия йили давомида туман Халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари асосида ишлатилиши белгилансин. Кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш ҳолатлари юзага келганда тегишли ҳокимларнинг қарор ва фармойишларига асосида ишлатилиб кейинчалик Халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериб борилсин.

11. Қонуннинг 2-иловасида кўрсатилган туман маҳаллий бюджетининг даромадлар прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, туман ҳокимлиги вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш бўйича мурожаат қилади.

12. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қўшимча равишда амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбаа маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман ҳокимлиги тегишли бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

14. Бюджет ижросининг очиқлилигини таъминлаш мақсадида

Бюджет маблағи тақсимловчилари;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари

кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштиради.

Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими тумандаги Инвестиция дастурининг ижроси этилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштиради.

Туман Давлат солиқ инспекцияси тақдим этилган солиқ имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилари кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштирсин.

Туман молия бўлими бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар кесимида туман маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларни ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштиради.

15. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исматов, туман молия бўлими (М.Эшбоев), туман Давлат солиқ инспекцияси (Х.Умуров)ларга 2023 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

16. Қарор расмий нашрларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

17. Ушбу қарор “Арнасой тонги” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг arnasoy.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Х.Алимарданов**

Xalq deputatlari Arnasoy tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-44-225-3-43-K/22-son qaroriga
1-ilova

Арнасой туман маҳаллий бюджетларининг 2023 йил даромадлари режаси

(минг сўм)

Ҳудуд номи	Жами даромад	шундан			
		ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	солиқ режаси	шундан	
				шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори
Арнасой тумани	34 961 501,0	7 737 487,0	27 224 014,0	23 019 794,0	4 204 220,0

Xalq deputatlari Arnasoy tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-44-225-3-43-K/22-son qaroriga
2-ilova

Арнасой тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг

2023 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

(минг сўмда)

Т/Р	Даромад турлари	Контингент	Маҳаллий
Акциз солиғи билан жами даромад		**34 961 501,0**	**30 757 281,0**
Даромад жами		**27 224 014,0**	**23 019 794,0**
1	ЯТТ учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	300 000,0	300 000,0
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	1 523 892,0	0,0
3	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	850 000,0	850 000,0
4	*Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи*	1 820 000,0	1 820 000,0
5	*Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ*	*841 077,0*	*841 077,0*
6	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	109 000,0	109 000,0
7	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	14 638 028,0	14 638 028,0
8	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	656 590,0	656 590,0
9	Аксиз солиғи (бензин, дизел, газ)	440 007,0	440 007,0
10	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	385 541,0	385 541,0
11	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи	2 979 551,0	2 979 551,0
12	Давлат божи	1 311 529,0	
13	Йиғимлар	158 026,0	
14	Жарималар	1 005 773,0	
15	Хусусийлаштиришдан тушум	200 000,0	
16	Бошқалар	5 000,0	
17	Республика бюджетидан ўтказиб бериладиган даромадлар	7 737 487,0	7 737 487,0
	шу жумладан:		
	Арақдан акциз солиғи (шу жумладан пиво)	3 130 210,0	3 130 210,0
	Мобил алоқа хизматидан акциз солиғи	1 342 678,0	1 342 678,0
	Тамаки акциз солиғи	3 264 599,0	3 264 599,0

Xalq deputatlari Arnasoy tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-44-225-3-43-K/22-son qaroriga
3-ilova

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

(*Фоиз ҳисобида)*

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурслари-дан фойдалан-ганлик учун солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Бошқалар
1	Арнасой тумани	100	100	100	100	100	0	100	100	100	100	100	100

Xalq deputatlari Arnasoy tuman Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-44-225-3-43-K/22-son qaroriga
4-ilova

Арнасой туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

(минг сўмда)

Ҳудуд номи	Жами даромадлар	шундан			Маҳаллий бюджет харажатлари
		Маҳаллий бюджет даромадлар	Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Тартибга солувчи трансферт миқдори	
Арнасой тумани	87 729 126,0	23 019 794,0	7 737 487,0	56 971 845,0	87 729 126,0

Xalq deputatlari Arnasoy tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-44-225-3-43-K/22-son qaroriga
5-ilova

2023 йилги Арнасой туманининг туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

(*минг сўмда)*

№	Кўрсаткичлар	Туман бюджети
Харажатлар миқдори, Жами		**87 729 126,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**87 729 126,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
1.	**Мактабгача таълим бўлими**	**5 564 923,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 564 923,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Халқ таълими бўлими**	**6 820 514,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 820 514,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	**Соғлиқни сақлаш бўлими**	**23 375 285,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	23 375 285,0
	шундан:	
	Соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш харажатлари	23 375 285,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Маданият бошқармаси**	**2 040 281,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**2 040 281,0**
	шундан:	
	Маданият бўлимини сақлаш харажатлари	217 729,0
	Маданият марказини сақлаш харажатлари	528 443,0
	Мусиқа ва санъат мактабини сақлаш харажатлари	1 294 109,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	**Спортни ривожлантириш бўлими**	**3 796 011,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 796 011,0
	шундан:	
	Болалар-ўсмирлар спорт мактабини сақлаш харажатлари	3 796 011,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**6 953 275,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 953 275,0
	Ички йўлларни таъмирлаш харажатлари	3 000 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**1 220 010,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 220 010,0
	шундан:	
	Фермер хужаликларида бухгалтерия хисоби ва хисоботини юритиш марказини сақлаш харажатлари	789 570,0
	Қишлоқ хўжалиги бўлимини сақлаш харажатлари	430 440,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**849 166,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	849 166,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Молия бўлими**	**1 462 083,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 462 083,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Ветеринария бўлими**	**630 889,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	630 889,0
	шундан:	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**Бандликка кўмаклашиш маркази**	**707 364,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	707 364,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Давлат ҳокимият органлари**	**29 330 431,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	29 330 431,0
	шундан:	
	Туман хокимиятини саклаш харажати	3 737 427,0

	Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи ДУК	
	Ижтимоий мослашув маркази	47 733,0
	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	6 000 000,0
	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	369 628,0
	Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»	4 144,0
	Захира жамғармаси	809 199,0
	Ижтимоий нафақалар	18 362 300,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг туманидаги ташкилотлари**	**225 366,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**225 366,0**
	Халқ депутатлари Туман Кенгаши котибияти	225 366,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациянинг тумандаги ташкилотлари**	**490 882,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	490 882,0
	Халқ қабулхонаси	
	Ш.Рашидов номидаги Жиззах Туман ахборот кутубхона маркази	490 882,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими**	**1 559 255,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 559 255,0**
	Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш булими	418 271,0
	Ўзини-ўзи бошқариш органлари	1 140 984,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими**	**1 037 350,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 037 350,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Ёшлар Агентлиги туман бўлими**	**1 666 041,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 666 041,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Xalq deputatlari Arnasoy tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-44-225-3-43-K/22-son qaroriga
6-ilova

Арнасой туман маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

(минг сўмда)

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Арнасой тумани	**270 000,0**

Xalq deputatlari Arnasoy tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-44-225-3-43-K/22-son qaroriga
7-ilova

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун (минг сўмда)
1.	Ғолиблар МФЙ	0,83	26 825,6
2.	О.Водий МФЙ	0,83	26 825,6
3.	Бобур МФЙ	0,83	26 825,6
4.	Ғ.Ғулом МФЙ	0,83	26 825,6
5.	Бўстон МФЙ	0,73	23 593,6
6.	Чулкувар МФЙ	0,73	23 593,6
7.	Тинчлик МФЙ	0,73	23 593,6
8.	Дўстлик МФЙ	0,73	23 593,6
9.	Гулбахор ШФЙ	0,73	23 593,6
10.	Зарафшон МФЙ	0,73	23 593,6
11.	Бахтли МФЙ	0,73	23 593,6
12.	Янгибўстон МФЙ	0,73	23 593,6
13.	Чинобод МФЙ	0,73	23 593,6

Xalq deputatlari Arnasoy tuman
Kengashining
2022 yil 30 dekabrdagi
VI-44-225-3-43-K/22-son qaroriga
8-ilova

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2023 йил учун (сўмда)
1.	Ғолиблар МФЙ	0,95	274,4
2.	О.Водий МФЙ	0,85	245,5
3.	Бобур МФЙ	0,95	274,4
4.	Ғ.Ғулом МФЙ	0,85	245,5
5.	Бўстон МФЙ	0,70	202,2
6.	Чулкувар МФЙ	0,70	202,2
7.	Тинчлик МФЙ	0,70	202,2
8.	Дўстлик МФЙ	0,70	202,2
9.	Гулбахор ШФЙ	0,70	202,2
10.	Зарафшон МФЙ	0,70	202,2
11.	Бахтли МФЙ	0,70	202,2
12.	Янгибўстон МФЙ	0,70	202,2
13.	Чинобод МФЙ	0,70	202,2